

**НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Ped.34.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ХОЖАМУРАТОВ РАМИЛ ИБРАХИМОВИЧ**

**ТАЛАБАЛАРНИНГ ИННОВАЦИОН МАДАНИЯТИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

**13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Нукус – 2022**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on  
pedagogical sciences**

**Хожамуратов Рамил Ибрахимович**

Талабаларнинг инновацион маданиятини ривожлантириш технологияси.... 3

**Хожамуратов Рамил Ибрахимович**

Технология развития инновационной культуры студентов..... 25

**Hojamuratov Ramil Ibrahimovich**

Technology for the development of students' innovative culture..... 47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works..... 51

**НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Ped.34.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ХОЖАМУРАТОВ РАМИЛ ИБРАХИМОВИЧ**

**ТАЛАБАЛАРНИНГ ИННОВАЦИОН МАДАНИЯТИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

**13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

Нукус – 2022

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.2PhD/Ped1577 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Қорақалпоқ давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.ndpri.uz) ва «ZiyoNET» ахборот-таълим портали (www.ziynet.uz) да жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Юзликаев Фарит Рафаилович</b> педагогика фанлари доктори, профессор
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Ходжаев Бегзод Худойбердиевич</b> педагогика фанлари доктори, профессор <b>Рахимов Бахтиёр Худойбердиевич</b> педагогика фанлари доктори, профессор
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Андижон давлат университети</b>

Диссертация ҳимояси Нукус давлат педагогика институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Ped.34.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил «12» 2 куни соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 230105, Нукус шаҳри, П.Сейтов кўчаси, рақамсиз уй.) Тел.: (99861) 229-40-75; факс: (99861) 229-40-75; e-mail: nkspi\_info@edu.uz.

Диссертация билан Нукус давлат педагогика институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (57 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 230105, Нукус шаҳри, П.Сейтов кўчаси, рақамсиз уй.) Тел.: (99861) 229-40-75; факс: (99861) 229-40-75.

Диссертация автореферати 2022 йил «30» XII да тарқатилди.  
(2022 йил «30» XII даги 57 рақамли реестр баённомаси).



**Б.П. Отемуратов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси ф.-м.ф.д., доцент

**З.К. Курбаниязова**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, п.ф.д., доцент

**Т.Т. Утебаев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
кошидаги Илмий семинар раиси, п.ф.д.,  
профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда олий таълим муассасаларининг инновацион салоҳиятини ривожлантириш, халқаролашув ва интеграциялашув шароитида ўқитиш жараёнларига тизимли янгиликлар киритишнинг истиқболли механизмларини такомиллаштиришга катта эътибор қаратилмоқда. Олий таълим ва жамият ривожланиш суръатларини интеграциялашда янги методикалардан фойдаланишнинг дидактик тизимларини такомиллаштириш, талабаларда креатив тафаккурни ривожлантиришнинг инновацион технологиялари ва моделларини ишлаб чиқиш алоҳида долзарблик касб этади. Эвтагогик таълимга устуворлик бериш орқали талабаларда мустақил билим олишга ижобий мотивацияни шакллантириш, бўлажак ўқитувчиларни инновацион жараёнларга мақсадли йўналтиришнинг педагогик механизмларини такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эгадир.

Дунёда касбий тайёргарлик жараёнида бўлажак мутахассисларнинг инновацион маданиятини шакллантиришнинг педагогик моделларини ишлаб чиқиш, талабаларни инновацион фаолиятга тайёрлаш жараёнида юзага келадиган психологик-педагогик тўсиқларни бартараф этиш бўйича қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда. Айниқса, талабаларда рақамли технологиялар билан ишлаш жараёнида аналитик-информацион компетенцияларни ривожлантириш, инновацион фикрлашга устуворлик бериш асосида бўлажак мутахассисларнинг касбий компетентлигини такомиллаштириш янада долзарблик касб этади. Олий таълим муассасасаларида инновацион муҳит барқарорлигини таъминлаш орқали талабаларни янгиликларни яратишга тайёрлашнинг дидактик тизимини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда олий таълим тизимининг жозибадорлигини таъминлаш ва халқаролашув имкониятларини кенгайтириш, замонавий ахборот-коммуникация ва таълим технологияларининг мустаҳкам интеграциясини таъминлаш пировардида талабаларнинг касбий тайёргарлигини узлуксиз ривожлантириб бориш учун қўшимча шароитлар яратишга катта эътибор қаратилмоқда. “Илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятни рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш, олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот институтлари ҳузурида ихтисослаштирилган илмий-экспериментал лабораториялар, юқори технология марказлари ва технопаркларни ташкил этиш”<sup>1</sup> ижтимоий соҳанинг устувор йўналиши сифатида белгилаб берилган. Бу эса, талабаларнинг инновацион маданиятини акмеологик ёндашувга устуворлик бериш орқали ривожлантиришнинг педагогик имкониятларини ёритиб бериш, касбий-педагогик фаолиятда таълим-тарбиянинг янги шакл,

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони. //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

метод ва воситаларидан фойдаланиш йўллари ишлаб чиқишни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”, 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”, 2020 йил 6 ноябрдаги ПФ-6108-сон “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон “Олий таълим муассаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, 2020 йил 27 февралдаги ПҚ-4623-сон “Педагогик таълим соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур соҳага тааллуқли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Мамлакатимиз олимлари Н.Азизходжаева, А.Арипджанова, У.Бегимкулов, А.Джураев, М.Жуманиёзова, Р.Джураев, Х.Ибрагимов, З.Исмаилова, Ш.Мардонов, М.Мирсолиева, Б.Ходжаев, Д.Хидоятова, Ф.Юзликаев, Д.Юнусова, Д.Якубжановаларнинг тадқиқотларида инновацион технологияларни олий таълим жараёнига татбиқ этиш, малака ошириш жараёнида ўқитувчиларни инновацион фаолиятга тайёрлашнинг педагогик асосларини такомиллаштириш, таълимий кадриятлар асосида талабаларнинг инновацион салоҳиятини ошириш, бўлажак ўқитувчиларда касбий ижодкорликни ривожлантиришда интерфаол ўқитишнинг шакл ва методларидан фойдаланиш масалалари ёритиб берилган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ) мамлакатлари олимларидан В.Антонюк, А.Бондарева, Ю.Варлакова, Е.Гришина, М.Громкова, В.Делия, М.Денеко, Е.Зеленина, Р.Кассина, И.Колесникова, С.Лавренова, О.Маркевич, Е.Мухамедвалеева, В.Попов, В.Слатенин, А.Хон, Е.Шмелевалар педагогик жамоанинг инновацион салоҳиятини ривожлантириш, олий таълимда инновацион жараёнларни бошқариш, компетентли ва андрагогик ёндашувлар асосида талабаларда инновацион маданиятни ривожлантиришнинг потенциал имкониятларини такомиллаштиришга доир илмий изланишлар олиб боришган.

Хорижлик олимлардан С.Алм, Р.Калантоне, С.Даусон, Д.Денисон, Р.Бауэр, Т.Бьюзен, М.Додгсон, К.Роджерс, А.Роу, Д.Симонтон инновацион маданиятни ривожлантириш жараёнида юзага келадиган рисклар профилактикаси, олий таълим ташкилотларида корпоратив маданиятни шакллантириш, талабаларда индивидуал инновацион хулқ-атвор кўникмаларини таркиб топтириш масалаларини тадқиқ этишган.

Бироқ олий таълим муассасалари талабаларида инновацион маданиятни ривожлантиришнинг концептуал асосларини такомиллаштириш, компетенциявий, акмеологик ва андрагогик ёндашувлар асосида бўлажак ўқитувчиларда янги тафаккур юритиш кўникма ва малакаларини ривожлантиришнинг педагогик тизими ишлаб чиқилмаган. Ана шу сабабли таълимни рақамлаштириш шароитида талабаларнинг инновацион маданиятини ривожлантириш, мазкур жараённинг самарадорлигини оширишнинг дидактик тизимини такомиллаштириш бўйича махсус илмий изланишлар олиб бориш лозим, деган хулосага келинди.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Қорақалпоқ давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Қорақалпоқ халқининг этнопедагогикаси ва ҳозирги кундаги таълим ва тарбия соҳасидаги муаммолари” (2020-2021 йй.) мавзусидаги илмий йўналиши доирасида амалга оширилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** талабаларда инновацион маданиятни ривожлантириш технологиясини такомиллаштиришга доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

талабаларнинг инновацион маданиятини ривожлантириш долзарб педагогик муаммо эканлигини асослаш;

компетенциявий ёндашувнинг талабаларда инновацион маданиятни ривожлантиришга доир педагогик имкониятларини очиқ бериш;

олий таълимда инглиз тилини ўқитиш жараёнида талабаларда инновацион маданиятни ривожлантиришнинг технологик моделини ишлаб чиқиш;

талабаларда инновацион маданиятни ривожлантириш технологиясини олий таълим амалиётида қўллашга доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқот объекти** сифатида талабаларнинг инновацион маданиятини ривожлантириш жараёни белгиланиб, тажриба-синов ишларида Қорақалпоқ давлат университети, Нукус давлат педагогика институти ҳамда Урганч давлат университети бакалаврият таълим йўналишларининг 240 нафар талабаси жалб этилди.

**Тадқиқотнинг предмети**ни талабаларнинг инновацион маданиятини олий таълимда инглиз тилини ўқитиш жараёнида ривожлантириш мазмуни, шакл, метод ва воситалари ташкил қилади.

**Тадқиқот усуллари.** Тадқиқотда илмий-педагогик адабиётларни таҳлил қилиш, кузатиш, моделлаштириш, прогнозлаш, суҳбат, анкета, педагогик

тажриба-синов, эксперт баҳолаш ва математик-статистик усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

талабаларнинг инновацион маданиятини ривожлантиришнинг дидактик тузилмаси (инновацион фаолият, инновацион фикрлаш, инновацион ривожланиш), функциялари (гносеологик, ташкилий, тадқиқий, ахлоқий, рефлексив) таълим-тарбия жараёнларига янгилик киритиш субъекти сифатида шахснинг ўз-ўзини англай олишига таъсир этувчи объектив ва субъектив омилларнинг таъсир даражасини интернал мотивация билан детерминаллашувини барқарорлаштириш орқали аниқлаштирилган;

талабаларда инновацион маданиятни ривожлантиришнинг дидактик жиҳатлари фундаменталлик, концептуаллик, муаммога йўналтирилганлик ва диалогик тамойилларнинг таълимий инноватиканинг техник-технологик, ижтимоий ва ташкилий-бошқарувга доир қонуниятлари билан интегративлик даражасини инглиз тилини ўрганиш жараёнида контекстуаллик устувор аҳамият касб этишини бевосита ҳисобга олиш орқали такомиллаштирилган;

талабаларда инновацион маданиятни ривожлантириш моделининг амалий компоненти инглиз тилини ўқитишга доир ўқув материалларини мантиқий граф, метарежа, ментал харита, фрейм каби чизма-тасвирий моделлар асосида структуралаш, когнитив, муаммоли, изланувчи-тадқиқотчилик фаолияти орқали субъектив позициянинг ёрқин намоён бўлиши интенсивлигини шахсий ва касбий ривожланиш билан ўзаро уйғунлигини таъминлаш орқали такомиллаштирилган;

талабаларда инновацион маданиятни ривожлантириш технологияси касбий фаолиятнинг когнитив, мазмунли ва операцион компонентларини тил муҳитининг информатив ва коммуникатив функцияларига устуворлик бериш асосида шакллантириш, амалий фаолият жараёнида инновацион жараёнларга аксиологик муносабатни таркиб топтиришга йўналтирилган триадани (уч босқичли) андрагогик ёндашув бўйича дидактик лойиҳалаш имкониятини кенгайтириш орқали такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

талабаларда инновацион маданиятнинг ривожланганлигини баҳолаш методикаларининг адаптив вариантлари ишлаб чиқилган;

талабаларда инновацион маданиятни ривожлантириш акмеологик тавсифномаси яратилган;

инновацион маданиятни ривожлантиришни таъминлайдиган ўқув топшириқлари тизими ишлаб чиқилган;

компетенциявий, андрагогик ва акмеологик ёндашувлар асосида талабаларда инновацион маданиятни ривожлантиришга доир амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** инновацион ёндашувлар ва усулларнинг қўлланилганлиги, назарий маълумотлар ишончли манбалар асосида ёритиб берилганлиги, олинган натижалари математик статистик методлар асосида таҳлил қилинганлиги, тажриба-синов натижаларининг

самарадорлиги, хулосалар, таклифлар ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги билан таъминланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти талабаларда инновацион маданиятни ривожлантириш долзарб педагогик муаммо эканлигининг асосланганлиги, компетенциявий ёндашув асосида инглиз тилини ўрганиш жараёнида талабаларда инновацион маданиятни ривожлантиришнинг дидактик имкониятларининг ёритиб берилганлиги, талабаларда инновацион маданиятни ривожлантириш тузилмаси, компонентлари ва тавсифий жиҳатларининг аниқлаштирилганлиги, инновацион маданиятнинг ривожланганлигини баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичларининг ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти талабаларда инновацион маданиятни ривожлантириш модели ва технологиясининг ишлаб чиқилганлиги, инглиз тилини ўқитишга доир ўқув материалларини мантиқий граф, метарежа, ментал харита, фрейм каби чизма-тасвирий моделлар асосида структураланганлиги, талабаларда инновацион маданиятни ривожлантириш акмеологик тавсифномаси яратилганлиги, инновацион маданиятни ривожлантиришни таъминлайдиган ўқув топшириқлари тизими ҳамда компетенциявий, андрагогик ва акмеологик ёндашувлар асосида талабаларда инновацион маданиятни ривожлантиришга доир амалий тавсияларнинг ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Талабаларда инновацион маданиятни ривожлантириш технологиясини такомиллаштириш бўйича илмий натижалар асосида:

талабаларнинг инновацион маданиятини ривожлантиришнинг дидактик тузилмаси, функцияларини таълим-тарбия жараёнларига янгилик киритиш субъекти сифатида шахснинг ўз-ўзини англай олишига таъсир этувчи объектив ва субъектив омилларнинг таъсир даражасини интернал мотивация билан детерминаллашувини барқарорлаштириш орқали аниқлаштириш, компетенциявий ёндашув асосида талабаларда инновацион маданиятни ривожлантиришнинг дидактик жиҳатларини фундаменталлик, концептуаллик, муаммога йўналтирилганлик ва диалогик тамойилларнинг таълимий инноватиканинг техник-технологик, ижтимоий ва ташкилий-бошқарувга доир қонуниятлари билан интегративлик даражасини инглиз тилини ўрганиш жараёнида контекстуаллик устувор аҳамият касб этишини бевосита ҳисобга олиш орқали такомиллаштиришга доир таклиф ва тавсиялардан Тошкент давлат педагогика университетида ишлаб чиқилган хорижий тилни узлуксиз ўқитиш Концепциясини такомиллаштиришда фойдаланилган (Тошкент давлат педагогика университетининг 2022 йил 10 июндаги 02-07-1573/04-сон маълумотномаси). Натижада, кредит-модул тизими шароитида хорижий тилни интенсив ўрганиш орқали талабаларда инновацион маданиятни ривожлантириш самарадорлигини оширишга эришилган;

талабаларда инновацион маданиятни ривожлантириш моделининг амалий компонентини инглиз тилини ўқитишга доир ўқув материалларини мантикий граф, метарежа, ментал харита, фрейм каби чизма-тасвирий моделлар асосида структуралаш, когнитив, муаммоли, изланувчи-тадқиқотчилик фаолияти орқали субъектив позициянинг ёрқин намоён бўлиши интенсивлигини шахсий ва касбий ривожланиш билан ўзаро уйғунлигини таъминлаш орқали такомиллаштиришга доир амалий таклиф ва тавсиялардан Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган ЁА-1–22. “Фанларни ўқитишда инновацион педагогик технологияларнинг модернизациялашган тизимини ишлаб чиқиш” номли лойиҳасининг инновацион салоҳиятни баҳолашнинг диагностик тизимини такомиллаштириш қисмини бажаришда фойдаланилган (Тошкент давлат педагогика университетининг 2022 йил 10 июндаги 02-07-1573/04-сон маълумотномаси). Натижада, талабаларнинг инновацион маданиятини ташхис этишнинг электрон тизимини такомиллаштиришга хизмат қилган;

талабаларда инновацион маданиятни ривожлантириш технологиясини касбий фаолиятнинг когнитив, мазмунли ва операцион компонентларини шакллантириш, инглиз тилини ўрганиш жараёнини касбий соҳага йўналтириб ўқитиш, амалий фаолият жараёнида инновацион жараёнларга аксиологик муносабатни таркиб топтиришга йўналтирилган триадани (уч босқичлик) андрагогик ёндашув бўйича дидактик лойиҳалаш имкониятини кенгайтириш орқали такомиллаштиришга доир амалий таклиф ва тавсиялардан Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган MRB-OT-2019-23. “Замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда педагог кадрларни тайёрлашнинг илмий-методик таъминоти” мавзусидаги лойиҳаси асосида талабаларда инновацион маданиятни ривожлантириш жараёнларини интенсив бошқариш қисмини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Тошкент давлат педагогика университетининг 2022 йил 10 июндаги 02-07-1573/04-сон маълумотномаси). Натижада, талабаларнинг инновацион маданиятини ривожлантиришнинг амалий-технологик тизимини такомиллаштиришга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 7 таси хорижий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 145 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, шунингдек, объекти ва предмети аниқланган, тадқиқот ишининг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасида маълумотлар киритилган.

Диссертациянинг **“Талабаларнинг инновацион маданиятини ривожлантириш педагогик муаммо сифатида”** деб номланган биринчи бобида талабаларнинг инновацион маданиятини ривожлантиришнинг назарий асослари ҳамда олий таълим тизимида талабаларнинг инновацион маданиятини ривожлантиришнинг психологик-педагогик хусусиятлари ёритиб берилган.

Ўқитувчи маданияти умуминсоний ғоялар, қадриятлар ва шахсий хусусиятларнинг мақбул (оптимал) мажмуи ҳисобланади. Айнан шундай маданиятнинг мавжудлиги ўқитувчига талабаларнинг ривожланиш даражасини ўрганиш ва ташхис қилиш, уларни тушуниш, маънавий маданият оламига киритиш, маънавий фаолиятни ташкил этиш, ижтимоий ва қадриятли йўналганликни шакллантиришга имкон беради. Кўплаб тадқиқотлар ўқитувчиларнинг санъат соҳасидаги билимлари (эрудицияси) билан уларнинг касбий компетенцияларининг ривожланиш даражаси ўртасида ўзаро алоқадорликни ўрнатишга хизмат қилган. Бинобарин, ўқитувчининг юқори даражадаги касбий маҳорати билан унинг педагогик маданиятининг шаклланиши маданий маълумотлар захирасисиз амалга ошиши мумкин эмас. Шунинг учун олий таълимнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, у биринчи навбатда, кенг умуммаданий тайёргарликка йўналтирилганлиги билан белгиланади.

Олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий ва педагогик маданиятини ривожлантиришнинг инновацион йўналиши таълим-тарбия амалиётида талабаларда педагогик янгиликларни яратиш, уларни ўзлаштириш ва фойдаланишга ўргатиш, инновацион муҳитни яратиш фаолиятига жалб этиш билан белгиланади. Тадқиқот натижаларига кўра, ўқитувчиларнинг инновацион маданияти куйидагиларда намоён бўлади:

1) ўзига хос шахсий фазилатларнинг мавжудлиги (интеллект, ирода, мақсадга эришишга интилиш, фаол ва кўп қиррали инновацион фаолиятга бўлган эҳтиёж ва қобилият, янгиликка ижтимоий-психологик тайёргарлик, ҳамдардлик (эмпатия) ҳисси, инсонпарварлик ва бошқалар);

2) муомала ва нутқ маданиятига эга бўлиш (ҳамкасблар ва талабалар билан муносабатларда сабр-тоқат ва хушмуомалалик, тарбиялилиқ, интизомга риоя қилиш, меҳнатга муносабат, озодалиқ, эстетиклик, бағрикенглик, ўз-ўзини ривожлантириш қобилияти, ўзини тута билиш, ўз ўрнига эга бўлиш ва бошқалар);

3) инновацион билимларга эгалик (умумий гуманитар тайёргарлик, маданий-эстетик таълим, инновацион ва педагогик фаолият назарияси ва амалиётининг асосий қоидаларини билиш, янгиликларни ҳисобга олган ҳолда фанлар бўйича махсус билимлар мажмуи). Инновацион билимларнинг зарурлиги олий таълимни гуманитарлаштиришни кучайтириш, ўқув фанлари ҳажми ва таркибини узлуксиз ўзгартириш, янги мутахассисликлар ва ихтисосликларни киритиш билан боғлиқ;

4) инновацион кўникмаларнинг шаклланганлиги (инновацион муаммоларни мустақил равишда ҳал қилиш, ўқув-тарбия жараёнини малакали ташкил этиш, замонавий ахборот технологиялари, замонавий усуллардан фойдаланиш, инновацион технологияларни жорий этиш, талабалар жамоасини бошқариш қобилиятлари).

Демак, инновацион маданият кўп ўлчовли ҳодиса, мураккаб ижтимоий-психологик ва педагогик воқелик сифатида ўқитувчи шахсида намоён бўладиган психологик-педагогик тайёрлик, касбий ва психологик компетенция ҳамда касбий хулқ-атворга эгалик каби интеграл хусусиятлар мажмуидир, деган хулосага келиш мумкин.

Олий таълим муассасаларида талабаларнинг инновацион маданиятини ривожлантиришнинг педагогик мақсади, биринчидан, талабалар томонидан психологик ва педагогик билимларнинг ўзлаштирилиши, иккинчидан, психологик-педагогик асосларни ҳисобга олган ҳолда, “Инглиз тили” курси бўйича методик таъминотни ишлаб чиқишдан иборатдир.

Олий таълим муассасалари хорижий тиллар факультетлари талабаларининг инновацион маданияти ривожлантиришнинг дидактик ва ташкилий воситалар тизимида қуйидаги педагогик шарт-шароитларни ҳисобга олиш лозим: ўқитувчи ва талабалар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг демократик, диалогик усуллардан фойдаланиш (педагогик мулоқотни ташкил этишга демократик ёндашиш); олий таълим муассасаларида ўқув жараёнини ташкил қилишнинг интерфаол методлардан фойдаланишнинг вариантлиги; педагогик тизимларни бошқаришнинг инновацион усули ва педагогик башорат қилиш воситаси сифатида лойиҳа таълим технологиясидан фойдаланиш ва бошқалар.

Тадқиқот доирасида инновацион маданиятнинг когнитив, ташкилий-фаолиятли, шахсий (иродавий, эмоционал (ҳиссий), мотивацион ва рефлексив) компонентлари аниқлаштирилди (1-жадвалга қаранг). Мазкур компонентлар бўлажак ўқитувчиларда инновацион маданиятни ривожлантиришнинг турли босқичларида яхлит намоён бўлиши билан бирга, тизимости элементлар сифатида ўзаро таъсир ва ўзаро боғлиқликнинг мураккаб муносабатларини ўзида ифода этади.

Хорижий тиллар факультети талабаларида инновацион маданиятни ривожлантириш компонентларини тавсифлар эканмиз, мазкур тизимости

## Инновацион маданиятнинг тузилмаси ва тавсифи

№	Компонентлар	Кўрсаткичлари	Инновацион маданият тавсифномалари
1	<b>Когнитив</b>	Назарий билимлар ва мантикий тафаккур шакллари ўзлаштириш даражаси	Инновацион маданиятни шакллантириш зарурлиги ҳақидаги билимларга эгалик; янгиликлар ҳақидаги билимларни ўзлаштириш; билиш фаолиятининг яхлит тизимини англаш; тафаккурнинг мантикий шакллари ҳақидаги билимларга эгалик
2	<b>Ташкилий-фаолиятли</b>	Кўникмаларни ўзлаштириш даражаси ва уларни қўллашга тайёргарлик	<b>Ўқув-коммуникатив:</b> тинглаш ва саволлар бериш, аудитория олдида нутқ сўзлаш, диалог, баҳс-мунозара ўтказиш, низоли вазиятдан чиқиб кетиш; <b>Ўқув-рефлексив:</b> ўз-ўзини назорат қилиш, ўз фаолиятининг натижаларини холисона баҳолаш ва шахсий ўз-ўзини баҳолашни амалга ошириш; <b>Ўқув-ташкилий:</b> ўқув фаолиятининг мақсад ва вазифаларини аниқлаш, ўқув фаолиятининг боришини режалаштириш; <b>Ўқув-интеллектуал:</b> турли мазмундаги матнларни ўқиш (равон, тўғри); матнни қайта тушунтириб бериш (қисқача, батафсил, танлаб); матнга тақриз ёзиш; маъруза, хабарлар тайёрлаш; асосий жойларини ажратиб эслаб қолиш; умумлаштириш ва тизимлаштириш; кузатиш ва таҳлил қилиш, лойиҳалаш ва моделлаштириш; <b>Ўқув-ахборот:</b> қоғоздаги матнлар билан ишлаш, керакли маълумотларни топиш; дарслик, луғат, маълумотнома, кутубхона фондларидан фойдаланиш; ахборот технологиялари воситаси ёрдамида маълумот олиш ва тақдим этиш.
3	<b>Шахсий</b>	Инновацион маданиятни эгаллашга қизиқиш ва ишониш;	Ўз-ўзини ауторивожлантириш
3.1.	<b>Иродавий</b>	Ташқи ва ички тўсиқларни бартараф этиш	Ўқув ҳаракатларини яқунлашга интилиш.
3.2.	<b>Эмоционал (хиссий)</b>	Индивидуал билиш тажрибасини эмоционал барқарорлиги	Умумий ижобий муносабат
3.3.	<b>Мотивацион</b>	Инновацион маданиятга қизиқиш ва эҳтиёж	Ахборот маданиятини ташкил этиш ва билиш усулига қизиқиш
3.4.	<b>Рефлексив қобилият</b>	Рефлексив қобилиятнинг шаклланганлик даражаси.	Ўз фаолиятини мустақил назорат қилиб бориши

элементлар ўртасидаги қуйидаги алоқадорликларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

1) ўзаро – когнитив, шахсий, фаолиятли компонентлар ўртасидаги алоқадорлик;

2) натижавий – когнитив компонент ўз навбатида фаолият ва таркибий асосга тааллуқли кўникмаларни шакллантириш учун асос бўлишини кўрсатади;

3) ўзгарувчан – талабаларнинг инновацион маданиятини ривожлантириш компонентларнинг бевосита ўзаро таъсири орқали амалга оширилади, ушбу жараёнлар таркибий асослар ёрдамида бир ҳолатдан бошқасига ўтади;

4) функционал – алоқадорлик тизимнинг реал ҳаётий циклини таъминлайди. Функционал алоқадорлик асосида бирлашган инновацион маданиятнинг таркибий қисмлари биргаликда муайян функцияларни амалга оширади;

5) бошқарувга доир – маълум бир дастур асосида тузилган, уни амалга оширишнинг маълум бир усули бўлган алоқадорлик тарзида тавсифланиши мумкин.

Талабаларнинг инновацион маданияти қуйидаги вазифаларни бажаради:

1. Назарий билимларга ижобий ҳамда билиш жараёни субъектларида янгиликларга қадриятли муносабатни шакллантириш.

2. Назарий билимларни кенгайтириш, илмий дунёқараш, талабаларнинг ижодий фикрлаш қобилиятини ривожлантириш. Бу илмий ва ўқув ахборотлари оқимида мўлжални тўғри олиш қобилиятини ривожлантиради, саводхонлик даражасини оширади.

3. Талабанинг ўқув фаолияти, яъни когнитив қобилиятини шакллантириш. Инновацион маданиятни ривожлантириш жараёнида ўқув-коммуникатив; ўқув-рефлексив; ўқув-ташкилий; ўқув-интеллектуал; ўқув-ахборот кўникмалари ривожланади.

4. Талабанинг касбий ўз-ўзини тарбиялашга бўлган мотивацион, когнитив ва ташкилий тайёргарлигини шакллантириш.

5. Ўз шахсияти, фаолияти ва натижаларини рефлексив баҳолаш қобилиятини ривожлантириш.

Диссертациянинг **“Талабаларнинг инновацион маданиятини ривожлантириш моделини лойиҳалаш ва амалга ошириш”** деб номланган иккинчи бобида олий таълим тизимида инглиз тилини ўрганиш жараёнида талабаларнинг инновацион маданиятини шакллантириш модели ва уни амалиётга жорий этишнинг дидактик шарт-шароитлари ёритиб берилган.

Талабаларнинг инновацион маданиятини ривожлантириш моделини ишлаб чиқишда қуйидаги умуммаданий компетенциялар асос сифатида белгилаб олинди:

1) ижтимоий ўзаро таъсир ҳамда мамлакатшунослик, ижтимоий-маданий, касбий билим ва кўникмаларни ўзлаштириш;

2) касбий мулоқотга қадриятли ва ижтимоий тайёрликни шакллантириш;

3) касбий умуммаданий алоқа тажрибасини эгаллаш;

4) толерантлик, рефлексив ва фаол позицияни ривожлантириш;

5) ўзини турфа хил маданиятли субъект сифатида англаш қобилиятини ривожлантириш, стереотиплар ва этноцентризмни англаш ҳамда енгиб ўтиш, ўзининг маданиятлараро компетенция тажрибасини таҳлил қилиш ва бошқалар.

Тадқиқот доирасида педагогика олий таълим муассасалари хорижий тиллар факультети талабаларининг инновацион маданиятини ривожлантириш модели ишлаб чиқилди (2-жадвалга қаранг).

Хорижий (инглиз) тилни ўрганиш жараёнида талабаларнинг инновацион маданиятини ривожлантириш технологияси қуйидаги босқичларга асосан амалга оширилди:

биринчи босқич – ахборот-коммуникатив компетенцияни ривожлантириш. Шу билан бирга, мазкур босқичда ўрганилаётган курсларнинг мазмуни билан боғлиқ касбий компетенциянинг когнитив, мазмунли ва жараёнли компонентларининг ривожланиши юз беради;

иккинчи босқич – инглиз тилини ўрганиш, бу жараёнда талабалар томонидан ўз касбий имкониятлари (дидактик ўйинлар, тестлар, тренинглар) имитация қилинади. Мазкур босқич тайёрликнинг ушбу босқичига шахсий-йўналтирилган, фаолиятли ёндашув, талабаларнинг касбий компетенциялари асосларини ривожлантириш жараёнини оптималлаштириш, ўз-ўзини ҳурмат қилиш, ўз-ўзини тарбиялаш ва ўз-ўзини тузатиш тизимини киритиш имконини беради;

учинчи босқич – амалий фаолият жараёнида инновацион маданиятнинг таркибий қисмларини (ўзлаштирилишидаги камчиликларни талабалар амалиёт жараёнида англайдиган) тузатиш тажрибасини эгаллаш;

тўртинчи босқич – ривожланиш аввалги босқичларда бошланган, аммо битирув малакавий ишини бажариш жараёнида тўлиқ диққатга сазовор бўлган инновацион маданиятнинг ижодий жиҳатларини ўзлаштириш. Лойиҳалашнинг назарий қисми олдинги босқичларда режалаштирилади, аммо асосий босқич – тадқиқотнинг экспериментал қисмини бажариш амалиёт даврига тўғри келади.

Талабалар қисқа муддатли экспериментал ишларни лойиҳалаштиради ва ўтказади. Унинг самарадорлиги дастлабки ва якуний диагностика асосида белгиланиб, олинган натижалар интерпретацияси амалга оширилади. Бу инновацион маданиятни ривожлантиришнинг энг маъсулиятли ва муҳим босқичи бўлиб, айти пайтда талабаларнинг ижодий фаолиятга ўз касбий тайёрлигини синаб кўриш босқичларидан биридир;

бешинчи босқич – битирув малакавий ишини ҳимоя қилиш ва давлат аттестация имтиҳонини топшириш шаклида амалга оширилиб, бўлажак

педагогларда инновацион маданиятнинг ривожланганлиги натижалари сарҳисоб қилинади.

## 2-жадвал

### Хорижий (инглиз) тилни ўрганиш жараёнида педагогика олий таълим муассасалари талабаларининг инновацион маданиятини шакллантириш модели

<b>МАҚСАД:</b> хорижий (инглиз) тилни ўрганиш жараёнида талабаларда инновацион маданиятни ривожлантириш		
<b>Вазифалар</b>		
Талабаларнинг инновацияларга доир билимларини таркиб топтириш	Талабаларда инновацияларга ижобий мотивацияни қарор топтириш	Талабаларнинг инновацион касбий масалаларни ҳал этиш кўникмаларини ривожлантириш
<p><b>Ўқув фаолияти</b> касбий билимларни қатъий тизим тарзида шакллантириш ва етказиб беришдан иборат бўлиб, у когнитив тузилмаларни ишлаш ва фақат ушбу тизим доирасидаги ва яқка тартибдаги ўқув машғулоти шаклида намоён бўладиган операцияларга, ўз-ўзини ривожлантиришга қаратилган, бунда талабалар мураккаб топшириқларни режалаштириш ва бажариш жараёнида янги тажрибани ўзлаштиришади.</p>	<p><b>Тарбиявий фаолият</b> касбий таълим жараёнининг мақсадга йўналганлик ва ижтимоий аҳамиятни англашдан иборат бўлиб, талабалар фаолиятини рағбатлантириш методлари (маъқуллаш, танлов эркинлиги ва бошқалар) ёрдамида амалга оширилади ва талабаларни яратувчанликка доир ижодий фаолиятга етаклайдиган юқори эҳтиёжларни (маънавий, ижодий) тушуниш каби ижодий шахс мотивацияси билан боғлиқ креатив фаоллигини ривожлантиришга қаратилган.</p>	<p><b>Ўқув-касбий фаолият</b> талабаларда амалий кўникмаларни ривожлантиришга қаратилган (мустақил равишда қарор қабул қилиш, уларни кўпчилик олдида ифодалаш ва ҳимоя қилиш, ижодий вазиятли муаммоларни ҳал қилиш ва бошқалар) бўлиб, талабаларни фаолиятли позицияни эгаллашдан иборат ва ишчан ўйинлар, муайян вазиятлар шаклида, шунингдек, ишлаб чиқариш амалиёти, академик мобиллик жараёнлари, илмий-тадқиқот, малакавий битирув ишларида намоён бўлади.</p>
<b>Касбий тил компетенциялари</b>	<b>Касбий тил мотивацияси</b>	<b>Касбий ва амалий кўникмалар</b>
↓	↓	↓
<b>НАТИЖА:</b> инновацион маданиятни эгаллаган инглиз тили ўқитувчиси		
↑		
<p style="text-align: center;"><b>Талабаларнинг инновацион маданиятини баҳолаш мезонлари:</b></p> <p><b>Ташкилий-шахсий:</b> инновацион маданиятнинг зарурлигига ишонч, бу жараённинг юқори малакали мутахассис келажаги учун муҳимлигини тушуниш, ташқи ва ички тўсиқларни бартараф этиш билан боғлиқ онгли равишда белгиланган мақсадга эришишга қаратилган кучли ирода, шахсий билим тажрибасини ҳиссий жиҳатдан мустаҳкамлаш, рефлексия қобилияти.</p> <p><b>Гностик-когнитив компонент:</b> мантикий хулоса, фикрларга эга бўлиш; билимларни ўзлаштириш, мустаҳкамлаш ва янгилаб бориш усулларини билиш ва амалга ошириш қобилияти; вазиятни тўғри баҳолаш қобилияти; ўз билимларига танқидий муносабат; инновацион фаолиятни ривожлантириш зарурлигини тушуниш; танқидий фикрлашни шакллантириш учун ўз устида мунтазам ишлаш.</p> <p><b>Конструктив-фаолиятли компонент:</b> билишга қизиқиш ва эҳтиёж; илмий билиш усулларини излаб топиш; ўқув-коммуникатив, ўқув-рефлексив, ўқув-ташкилий, ўқув-ахборот кўникмаларга эғалик; масъулият, таълим-когнитив фаолиятда иродавий ҳаракат.</p>		

Таълимни ахборотлаштириш шароитида бўлажак ўқитувчининг инновацион маданиятини ривожлантириш учун тақдим этилган технологиянинг мақсади нафақат талабаларнинг мустақиллигини ошириш ҳамда уларнинг инновацион ва шахсий ўз-ўзини англашни рағбатлантириш, балки талабаларда таълим натижалари, касбий фаолиятга тайёргарликка доир масъулиятни кучайтиришдан иборатдир.

Хорижий (инглиз) тилни ўрганиш жараёнида талабаларнинг инновацион маданиятини ривожлантиришнинг зарурий шарт-шароитларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- 1) коммуникатив алоқаларни (контактларни) кенгайтириш (танишув амалиёти, тил амалиёти, ёзги амалиёт, педагогик амалиёт);
- 2) талабаларни ўқув-касбий ижодий фаолиятга жалб этиш;
- 3) илмий-тадқиқотчилик фаолияти;
- 4) халқаро таълим дастурлари, стажировка, кўргазма, конференциялар, семинарларда иштирок этиш орқали амалий компетенцияларни ривожлантириш.

Инновацион маданиятни ривожлантириш моделини амалиётга жорий этиш технологияси олти босқич асосида лойиҳалаштирилди: мақсадни аниқлаш, ўқув материалларини танлаш, ўқув топшириқлари тизимини ишлаб чиқиш, ўқув жараёнини ташкил этиш, ўқитиш шакл ва методларидан фойдаланиш, назорат ва компетенцияларнинг шаклланганлигини баҳолаш (3-жадвалга қаранг).

**3-жадвал**

### **Талабаларда инновацион маданиятни шакллантириш технологияси**

<b>№</b>	<b>Босқичлари</b>	<b>Методик тавсиялар</b>
1.	Мақсадни аниқлаштириш	Мақсаднинг аниқ қўйилиши барқарор ижобий мотивацияга, талабаларнинг инновацион маданиятини ривожлантиришга қаратилган машғулотларни ўқув материаллари ва воситалар билан таъминлашга сабаб бўлади
2.	Ўқув материалларини танлаш	Талабаларнинг индивидуал хусусиятлари ва билиш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда ўқув материалларини танлаш лозим
3.	Ўқув топшириқлари тизимини ишлаб чиқиш	Ўқув жараёнида ижобий мотивация, психологик қулайлик муҳитини яратиш муҳим омил ҳисобланади. Бунинг учун топшириқларни лойиҳалашда талабаларда шахсий қизиқиш уйғотадиган методлардан фойдаланиш орқали эришилади
4.	Ўқув жараёнини ташкил этиш	Талабаларнинг инновацион маданиятини мотивациялаш ва рағбатлантириш, психологик қулайлик яратиш
5.	Ўқитиш шакл ва методларидан фойдаланиш	Машғулотларда самарали шакл ва методларни ўқитиш мақсадига мос равишда аввалдан танлаб олиш лозим
6.	Нazorat ва компетенцияларнинг шаклланганлигини баҳолаш	Талабаларда инновацион маданиятни доимий равишда рағбатлантириш ва тўғри ташкил қилиш, таълимнинг барча босқичларида билимларни ўзлаштиришда уларнинг саъй-ҳаракатларини кучайтириш билан ўз-ўзини назорат қилишни таркиб топтириш

Таклиф этилган талабаларда инновацион маданиятни ривожлантириш модели босқичма-босқич амалга оширилиб, ҳар бир босқич ўз вазифалари, ташкилий шакллари, тизим яратувчи алоқалари билан тавсифланади. Хорижий (инглиз) тилни ўрганиш жараёнида касбий-ишчанлик сифатларини педагогик қўллаб-қувватлаш модели ушбу муҳитни ташкил этишнинг тахминий асоси бўлиб хизмат қилди. Ушбу моделнинг амалга оширилиши қуйидаги уч йўналиш доирасидаги ишлар орқали таъминланди:

1) ахборот-лингвистик йўналиш ўрганилаётган тил майдонини касбий сўзлар, тасвирлар, рамзлар ва қадриятлар билан интенсив тўлдиришни назарда тутди;

2) когнитив ва герменевтик йўналишнинг мақсади тилни семантик жиҳатдан ўзлаштиришга қаратилган ҳаракат, талабаларнинг касбнинг асосий малакавий ва процессуал механизмларини тушунишга эришиши, ўқув жараёнида қулай позицияларни ишлаб чиқишдан иборат;

3) интерфаол йўналиш ўқув жараёнида ишчан, тенг ҳуқуқли, шериклик муносабатларни моделлаштириш йўли билан ўқув-касбий ўзаро ҳаракат ва ҳамкорликни ташкил этишни назарда тутди.

Ҳар битта таркибий қисм экспериментал ишларни ташкил қилишнинг тегишли методлари билан таъминланди: биринчидан, талабаларни тилнинг лексик, синтактик, касбий ва маданий соҳаларига олиб кириш; иккинчидан, талабаларнинг бир-бирин тушуниши ва ўз-ўзини билишига қаратилган ўқув мулоқотининг турли шакл ва методларини такомиллаштириш, учинчидан, ўқув жараёнида ишчан ҳамкорликни таъминлаш.

Хорижий (инглиз) тилни ўрганиш жараёнида талабаларнинг инновацион маданиятининг ривожланиш технологияси қуйидаги элементлардан ташкил топган: етакчи ғояни аниқлаш; асосий мақсад ва вазифаларни ажратиб кўрсатиш; назарий концепциянинг мақсадлари ва вазифаларини ишлаб чиқиш; уларнинг ўзаро таъсир механизми, ташкил қилиш методлари ва техникасини аниқлаштириш; назарий концепцияга мувофиқ инновацион педагогик технологияларни қўллаш имкониятларини аниқлаш; бунинг учун зарур шарт-шароитларни лойиҳалаштириш ва амалиётга жорий этиш; атроф-муҳитни самарали ўзлаштириш.

Олий таълим муассасаларида хорижий (инглиз) тилни ўрганиш жараёнида талабаларнинг инновацион маданиятининг ривожланганлик даражасини аниқлаш учун қуйидаги баҳолаш гуруҳларидан фойдаланиш тавсия этилади: факт мезонлари ва сифат мезонлари.

Факт мезонлари қуйидаги кўрсаткичлар бўйича баҳоланади: таълим муассасаси фаолиятининг тартибли ташкил этилиши (ўқув ишлари мазмуни, ҳажми ва характерининг олий таълим муассасалари имкониятлари ва шароитларига мослиги); маслакдошлар жамоасининг мавжудлиги; таълим макони субъектларининг муносабатларини демократлаштириш ва инсонпарварлаштириш; таълимий ўзаро таъсирларнинг интеграцияси.

Сифат мезонлари қуйидаги кўрсаткичлардан иборат: тизимнинг тақдим этилаётган талабалар инновацион маданияти моделига яқинлик даражаси, педагогик концепциялар, ғоя ва тамойилларнинг амалга оширилиши; олий таълим муассасаларининг психологик шароити, педагогик ўзаро таъсир субъектлари орасидаги муносабат; талабалар ва ўқитувчиларнинг шахсий, когнитив, маданий ва креатив компетентлик даражаси.

Хорижий (инглиз) тилни ўрганиш жараёнида талабаларнинг инновацион маданиятини ривожлантириш мураккаб кўпқиррали тузилишга эга бўлиб, у қуйидаги компонентлардан ташкил топган: бошланғич моделда кўрсатилган мақсадлар; унинг амалга оширилишини таъминловчи фаолият; фаолият ва мулоқот жараёнида юзага келувчи муносабатлар; субъект томонидан ўзлаштирилган тизим муҳити; компонентларнинг бутун бир тизимга бирлашувини таъминлайдиган бошқарув. Яхлит тизим ривожланиши битирувчига меҳнат бозорида ҳамда кўшимча ва касбий таълим соҳасида мослашувчанлик билан мўлжал олиш имконини берадиган пойдевор сифатида хизмат қилувчи ижтимоий-шахсий ва умумқасбий компетенцияларни шакллантиради.

Диссертациянинг **“Инглиз тилини ўрганишда талабаларнинг инновацион маданиятини ривожлантириш жараёнининг самарадорлигини экспериментал асослаш”** деб номланган учинчи бобида тажриба-синов ишларининг умумий тавсифи, моделни экспериментал синовдан ўтказиш жараёнининг ташкилий асослари ҳамда педагогик тажриба-синов ишларининг натижалари таҳлили баён этилган.

